*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета. 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 128 (20. 096) • 1988 йил 3 июнь • жума • Баҳоси 3 тийин.

# СОВЕТ—АМЕРИКА МУЛОҚОТИ

1 июнь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари билан АҚШ Президенти Р. Рейган якунловчи суҳбат ўтказдилар. Қуролсизланиш, регионал можаролар, икки томонлама муносабатлар, гуманитар масалаларнинг кенг доирадаги муаммоларини муҳокама қилиш тугалланди. Совет — Америка музокараларига якун ясалди.

Кремлдаги суҳбатдан сўнг М. С. Горбачев билан Р. Рейган ўртасида ўртача олислик ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги Совет — Америка Шартномасини кучга киритиш тўғрисида ратификация ёрлиқларини айирбошлаш ва шу ёрлиқларни бир-бирига топшириш тўғрисидаги протоколни имзолаш маросими бўлди. 1987 йилнинг декабрь ойида Вашингтонда иккала мамлакат раҳбари имзо чеккан тарихий ҳужжат кучга кирди.

Имзолашдан кейин М. С. Горбачев ва Р. Рейган нутқ сўзладилар.

Маросимда:

Совет томонидан — А. А. Громико, Н. И. Рижков, В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, А. Н. Яковлев, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Ю. Д. Маслюков, Г. П. Разумовский, Н. В. Тализин, Д. Т. Язов, О. Д. Бакланов, А. П. Бирюкова, А. Ф. Добринин, А. И. Лукьянов, В. А. Медведев, И. В. Капитонов, бошқа расмий кишилар қатнашдилар.

Америка томонидан — АҚШ давлат секретари Ж. Шульц, сафарда Президентга ҳамроҳ бўлган бошқа расмий кишилар қатнашдилар.

* * *

Шу куниёқ М. С. Горбачев СССР Ташқи ишлар министрлигининг матбуот марказида совет ва чет эл журналистлари учун матбуот конференцияси ўтказди.

АҚШ Президенти АҚШ элчихонасининг қароргоҳида совет ва чет эл оммавий ахборот воситалари намояндалари учун матбуот конференцияси ўтказди.

* * *

Кечқурун Р. Рейган рафиқаси билан ССР Иттифоқи Катта театридаги балет кечасида ҳозир бўлди.

Марказий ложада М. С. Горбачев ва унинг рафиқаси меҳмонлар билан бирга бўлдилар.

Марказий ложада АҚШ ва СССРнинг Давлат байроқлари илиб қўйилган эди. Оркестр иккала мамлакатнинг Давлат гимнларини ижро этди.

Спектаклда Э. А. Шеварднадзе, А. Н. Яковлев, А. Ф. Добринин, Ж. Шульц, АҚШ мудофаа министри Ф. Карлуччи, АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси К. Пауэлл, Совет Иттифоқи ва Американинг бошқа расмий кишилари ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).



СУРАТДА: суҳбат бошланиши олдидан. (ТАСС — ЎзТАГ телефотоси).

## АҚШ Президенти Совет Иттифоқидан жўнаб кетди

2 июнь куни Кремлда АҚШ Президенти Р. Рейганни расмий кузатиш маросими бўлди.

Учрашув чоғидаги каби кузатиш маросими ҳам Катта Кремль саройининг Георгий залида ўтди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев ва Р. М. Горбачева зал ўртасида Р. Рейган ва Н. Рейган билан қўл беришиб кўришдилар.

Икки мамлакат раҳбарлари қисқача нутқ сўзладилар.

Тантанали расмий кузатиш маросими тугайди.

М. С. Горбачев, Р. Рейган ва уларнинг рафиқалари қўлтиқлашиб марказий зина бўйлаб Катта Кремль саройидан чиқиладиган жойга тушадилар.

Эшик олдида Президент Михаил Сергеевичга «Тайм» журналини кўрсатади. Унда Бош секретарь «Йилнинг энг нуфузли кишиси» деб аталган. У М. С. Горбачевдан дастхат ёзиб беришни илтимос қилади.

Михаил Сергеевич журнал муқовасига имзо чекади.

М. С. Горбачев: жаноб Президент, биз хайрлашяпмиз. Қўлингизни қисиб яна бир марта, визит кунларида батафсил, жуда муҳим суҳбатлар бўлиб ўтганлигидан мамнунмиз, демоқчиман. Инсоний учрашув бўлди, бундай учрашувни биз жуда қадрлаймиз. Биз катта иш қилдик. Жаноб Президент, Рейган хоним, сизларга оқ йўл.

Р. Рейган: жаноб Горбачев, биз дўстлар сифатида хайрлашяпмиз.

АҚШ Президенти ва унинг рафиқаси автомобилга ўтирадилар ҳамда мотоциклчиларнинг фахрий эскорти ҳамроҳлигида Кремлнинг Боровицкий дарвозаси орқали Внуково аэропортига йўл оладилар.

Президент тушган машина ўтадиган кўчалар ва майдонларда АҚШ ва СССРнинг юзлаб байроқлари флагштокларда ҳилпираб турарди.

* * *

Соат 10.45. Внуково аэродромида фахрий қоровул жангчилари саф тортиб турдилар. Баланд флагштокларда АҚШнинг юлдузлар тасвири туширилган йўл-йўл чизиқли давлат байроғи ва СССРнинг қизил байроғи ҳилпираб турибди.

Автомашиналар кортежи аэровокзал биноси олдига келади.

Р. Рейган билан Н. Рейган учиш майдонига чиқадилар.

АҚШ ва СССР Давлат гимнлари янграйди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико билан Р. Рейган СССР Қуролли Кучлари уч тури — Қуруқликдаги қўшинлар, Ҳарбий-Ҳаво кучлари ва Ҳарбий-Денгиз Флоти жангчиларидан тузилган фахрий қоровул сафларини айланиб чиқадилар.

Р. Рейган совет расмий кишилари билан хайрлашади.

Кузатиш маросими ниҳоясига етади. Пиёдалар, учувчилар ва денгизчилар сафлари ҳарбий марш садолари остида шаҳдам одим ташлаб, А. А. Громико ва Р. Рейган олдидан ўтадилар. Уларнинг ортидан духовой оркестр ўтиб боради.

Авиалайнер трапи олдида сўнгги бор қўл қисиб хайрлашадилар. А. А. Громико рафиқаси билан, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Ф. Добринин Р. Рейган ва унинг рафиқаси билан хайрлашадилар.

Бир неча минутдан сўнг Президентнинг авиалайнери Лондон томон парвоз қилади.

* * *

Шу куни АҚШ давлат секретари Ж. Шульц, Президентнинг сафарида унга ҳамроҳ бўлган бошқа америкалик расмий кишилар ҳам Совет Иттифоқидан жўнаб кетдилар.

(ТАСС).

# М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

1 июнь куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Москвада олий даражада ўтказилаётган Совет — Америка учрашувини ёритаётган совет ҳамда чет эл журналистлари учун матбуот конференцияси ўтказди.

## М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

Музокараларда қатнашган делегациямизнинг Андрей Андреевич Громикодан ташқари ҳамма аъзолари шу ерда ҳозир бўлганлар. Хизматингизга тайёрмиз.

Бироқ, эҳтимол, анъанага кўра, ҳар ҳолда биз учрашув якунларини қандай баҳолаётганлигимиз хусусида бир неча сўз айтиш керак бўлар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари билан Америка Қўшма Штатлари Президентининг уч йил мобайнидаги тўртинчи учрашуви тугади. Бу шунчаки арифметика эмас. Менимча, бу катта маънони, катта сиёсий аҳамиятга молик ишни билдиради.

Уч йил мобайнида — тўртта учрашув. Бу — сиёсий мулоқотнинг интенсивлигидан, муносабатларимизнинг савиясидан дарак беради. Назаримда, мана шунинг ўзиёқ кўп маънога эгадир.

Табиийки, бутун дунёда ва аввало, Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатларида, эҳтимолки, сиз журналистларда ҳам олий даражадаги Москва учрашуви қандай самара берди, қайси йўлга олиб чиқди, деган савол туғилаётгандир. Бу учрашув аввалги учрашувларга бирон-бир янгилик қўшдими?

Аввало шуни айтмоқчиманки, сиз билан биз ҳаммамиз катта воқеанинг қатнашчилари бўлдик — бунга менинг ишончим комил. Дарҳақиқат, учрашув Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги мулоқотнинг аҳамиятини яна бир бор кўрсатди, икки ярим йил муқаддам Женевада танлаб олинган йўлнинг тўғрилигини яна бир карра тасдиқлади. Биз Рейкьявик ва Вашингтон орқали Москвага келдик. Бу урушдан кейинги давр тарихидаги ноёб жараёндир.

Ҳамма, сиёсатчилар ҳам, жамоатчилик ҳам буни англаб олиши жуда муҳим, жамоатчилик мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар қандай таркиб топаётганига ғоят қизиқиб қарамоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари лавозимида бўлганим — уч йил давомида халқаро характердаги икки юздан кўпроқ учрашув ўтказдим. Деярли ҳар бир учрашувда — социалистик мамлакатлардаги дўстлар билан, капиталистик мамлакатларнинг, қўшилмаган мамлакатларнинг вакиллари билан учрашувларда Совет — Америка муносабатлари нормал, соғлом изга солиб юборилишидан манфаатдорлик доимо таъкидланди ва такрорланди. Мамлакатларимизнинг салмоғи билан белгиланадиган реаллик мана шундай.

Хўш, шу қадар жадал мулоқотга, зўр аҳамиятга молик бўлган мана шу жараёнга қандай қилиб имконият яратилди?

Назаримда, реализм туфайли шундай бўлди. Мен Совет Иттифоқининг ҳам, Америка Қўшма Штатларининг ҳам сиёсатидаги реализм ҳақида гапиряпман, чунки фақат бир томондан шундай ёндашувнинг мавжудлиги бу жараённинг имкониятини таъминламаган бўлур эди.

Агар мухолифлик давом этганида, агар Кремлда ва Оқ уйда рулни лозим бўлган томонга, мухолифликдан ҳамкорлик соҳалари ва доираларини излаш сари, сиёсий мулоқотни кучайтириш сари буриб юбориш қатъияти ўз вақтида етишмаганида, бу нарса бизни қай аҳволга солган бўлур эди, деган масала хусусида фол очмоқчи эмасман.

Реалликлар тушунарли бўлгач, мулоқот бошланди, музокаралар олиб борилди, мана шу музокаралар эса ўз навбатида битимлар тузилишига олиб келди.

Бутун дунёга, инсоният ҳаётининг ўзига даҳшатли хавф келтириб чиқариши мумкин бўлган муносабатлар ўзгара бошлади: иккита энг қудратли давлат ўзаро муносабатларини ўз манфаатлари ва жаҳон ҳамжамиятининг манфаатлари йўлида қайтадан тузишга киришди.

Бу иш жуда қийин бўлди. Бир неча дақиқа муқаддам Президент билан ратификация ёрлиқларини айирбошлаётганимизда мен шу ҳақда гапирдим.

Гарчи ҳамма иш жўн бўлмаса-да, бироқ умуман мана шу муҳим, самарали, ижобий жараён давом этмоқда.

Тўрттала учрашувнинг ҳар бири қийин бўлди, бироқ манфаатлар мувозанатини самарали равишда қидиришдан иборат бўлди, ҳар бир учрашув умумбашарий аҳамиятга молик бўлган энг катта муаммоларнинг ечимини топиш учун куч-ғайратларни ошира борди.

Бу фикрни равшанлаштириш учун сизларга Рейкьявик учрашувини, Рейкьявикдаги воқеаларни эслатиб ўтай. Бу — икки жаҳон давлати ўртасидаги сиёсий мулоқот нақадар қийинчилик билан, баъзан мушкул шаклларда ривожланиб бораётганлигининг бир мисолидир, холос.

Хўш, тўртинчи учрашувнинг якунлари нималардан иборат бўлди? Эндиликда жаҳон сиёсатини, икки томонлама муносабатларнинг барча энг муҳим муаммоларини ўз ичига олаётган мулоқотнинг давом эттирилиши энг асосий якун бўлди. Москва учрашуви мулоқот амалий сиёсат поғонасига кўтарилганини яна бир бор намойиш этди.

Учрашувларимиз ташвиқотчилик уринишларидан, намойишкорона ҳаракатлардан, ташвиқотчилик усуллари орқали манфаат кўриб қолиш йўлидаги уринишлардан халос бўлди, деб айта олмайман. Ҳар ҳолда мана шу учрашувларда амалий сиёсат юритиш муддаоси, истаги тобора кўпроқ сезилмоқда. Бу тўғри йўл эканига, айни шундай иш тутиш кераклигига аминман.

Вашингтондаги биринчи учрашувдаёқ дарҳол бизга насиҳат қилишга уринишни сезишимиз биланоқ, биз бундай ёндашувни рад этдик ва амалий сиёсат билан шуғулланиш учун келдик, деб айтдик. Биз ҳозирги, тўртинчи учрашувда ҳам шундай иш тутдик. Шу боисдан ҳам музокараларнинг сўнгги дақиқасигача, стол атрофидагина эмас, балки ўриндан туриб, биз Россияда айтадигандек, тарафма-тараф бўлиб олиб, чуқур, баъзан ўткир мунозара қилганлигимиз бу учрашувнинг ўзига хос хусусияти бўлди.

Учрашувнинг бутун муҳитида ҳукмронлик қилган давомийлик ғоясини ҳам таъкидлаб ўтмоқчиман. Сиз буни якунловчи ҳужжатдан билиб оласиз. Уни мен кенг миқёсли ҳужжат, деб ҳисоблайман. Унда мулоқотда, бизнинг тўртинчи учрашувимизда келгусидаги муносабатларимиз иморатига ғиштлар қўйилмоқда, XXI аср томон қилинадиган ҳаракатга шароит яратилмоқда, деган фикр баён этилган.

Конкрет нималарга эришилди? Мен биринчи ўринга қўядиган сиёсий мулоқотдан сўнг биз ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги аҳдлашувлар жараёнини якунладик. Тўртинчи учрашувга тайёргарлик бу жараёнга туртки берди ва биз ратификация ёрлиқларини айирбошлашга муваффақ бўлдик.

Бу — шунчаки расмий иш эмас. Ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатишга оид Шартномани кучга киритиш тартиб-қоидаси ниҳоясига етказилганлиги Москва учрашувини Совет — Америка мулоқотидаги, қолаверса, жаҳон сиёсатидаги бир маррани билдирувчи сиёсий воқеага айлантирди, деган тантанали иборани ишлатишни лозим кўраман.

Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатларининг халқларигина эмас, уларнинг иттифоқчилари, бутун дунё жамоатчилиги, бутун жаҳон ҳамжамияти ҳам ўзини табриклаши мумкин. Бу — ақл-идрок ва реализмнинг муштарак ғалабасидир. Ҳозир барча қитъаларда, ҳар бир халқ ўзи танлаб оладиган ва белгилайдиган социал тузуми ва бошқа қадриятларидан қатъи назар, барча мамлакатларда дунё эс-ҳушини йиғиб олиши керак бўлган, бошқа тарафга — ядросиз, зўравонликсиз дунёга, халқаро муносабатларни соғломлаштиришга йўл очиш керак бўлган чизиққа келиб қолганини ҳамма тушунганлиги сабабли шу ғалабани қўлга киритиш мумкин бўлди.

Бу катта ғалабага эришишга кўп кишилар амалий, муҳим ҳисса қўшдилар. Мен матбуотнинг ролини ҳам таъкидлаб ўтмоқчиман. У сиёсатчиларга ҳам, музокараларнинг қатнашчиларига ҳам қийин саволларни берганида, мана шунинг ўзи ҳам зарур ҳисса бўлди, чунки журналистларнинг саволлари музокараларни аниқ-равшанлик, ишончлилик даражасига кўтаришга ёрдам берди, жумбоқларнинг ечимларини, далил-исботларни топишга, контрол усулларини ишлаб чиқишга кўмаклашди. Шу сабабли матбуотни муносиб баҳолашни ўз бурчим, деб ҳисоблайман.

Шартноманинг ҳар бир ҳарфи ва вергулига риоя қилиниши ва улар турмушга татбиқ этилиши, аввало, Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатларининг, наинки уларнинг, балки бошқа давлатларнинг ҳам шон-шараф ишидир.

Сўнгра, Биз Президент билан Қўшма Баёнотни маъқулладик. Боя айтганимдек, у Вашингтон учрашувидан кейин эришилган ютуқларни ва бу ерда, Москвада қилинган ишларни якунлади. Айни вақтда Баёнот келгусидаги Совет — Америка мулоқотининг ўзига хос кун тартибини тасдиқлаб берди. Хуллас, бу — муносабатларимизда бутун бир босқични якунлайдиган муҳим сиёсий ҳужжатдир. Мамлакатлар ўртасидаги сиёсий мулоқотни давом эттириш ва кучайтириш муҳимлигига, музокараларни интенсивлашга тааллуқли қоидалар энг салмоқли қоидалардир. Бу ўринда мен қуролсизланиш соҳасида ҳам силжишга эришилганини уқтириб ўтмоқчиман. Айниқса, стратегик ҳужум қуроллари масаласида бу—жуда қийин жараёндир. Чамаси, бу урушдан кейин жаҳон сиёсатида биз дуч келган энг мураккаб вазифадир. Шуни қатъий қилиб айтишим керакки, биз шу қуролларни қисқартириш тўғрисидаги шартномага қадамба-қадам яқинлашиб боряпмиз.

Бугун мухбирлардан кимдир, эҳтимол шу ерда ҳозир бўлганлардан бири, бўлиб ўтган музокаралардан кейин шу йилнинг ўзида, ҳозирги маъмурият даврида шартнома тузилиши хусусидаги умидингиздан қайтмадингизми, деб сўради. Айта оламанки, агар иш самарали олиб борилса, агар ҳозирги маъмурият, иккала томон самарали ҳаракат қилса, биз шартнома тузилишига эриша оламиз.

Европадаги қурол-яроғлар ва қуролли кучларни қисқартириш тўғрисидаги музокаралар хусусида бизнинг анча олға силжиган ташаббусимизга эътиборни қаратмоқчиман. Бу ташаббус эълон қилинган, уни такрорламайман. Агар бирон-бир нарсага аниқлик киритиш лозим бўлса, савол беришингиз мумкин.

Мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларга тааллуқли битимларнинг бутун бир мажмуаси имзоланди, улар ҳам эълон қилинди.

Маҳаллий можаролар муаммоси атрофлича муҳокама этилди. Бизнинг Президент билан ҳамма суҳбатларимизда ва иккита ялпи мажлисда шу муаммо хусусида гапирилди. Бугун у, айниқса, батафсил, жуда асосли равишда кўриб чиқилди. Бу ерларда, Ер куррасининг «қайноқ нуқта»ларида ҳам маҳаллий муаммоларни ҳал этиш, бу чигал «тугун»ларни сиёсий ёндашувлар асосида, манфаатларнинг мувозанати асосида ечиш учун реал имкониятлар пайдо бўлганини қайд этиш мумкин бўлган вазиятга яқинлашиб қолдик, деб ўйлайман.

Аслида биз ҳозир қуйидагиларни қайд этдик: биринчидан, Афғонистон масаласи бор, мен шу ҳақда яна гапираман. Иккинчидан, Яқин Шарқ масалаларига оид жараён бор. Бу жараён давом этмоқда ва позициялар яқинлаша бошлади, бу масалаларни халқаро конференция йўли билан ҳал этиш зарурлиги тушунчаси етилиб бормоқда. Энди бу нарса эътироф қилинди. Аммо гап бу конференцияни қандай тушуниш ҳақида бормоқда. Бундан кейинги иш жараёнида шу масалаларнинг ҳаммаси аниқлаб олинади.

Кампучия муаммоси бор. Вьетнам билан Кампучия кейинги кунларда кўрсатган ташаббус туфайли бу муаммо яқин вақт ичида ҳал этилиши мумкин бўлган аҳволга келтирилмоқда.

Марказий Америкада, Африка жанубида ва бошқа жойларда реал жараён давом этмоқда, бу жойлардаги муаммоларни ҳал этиш имконияти ҳам бор.

Агар бирон-бир киши менинг мулоҳазаларимни қандайдир асоссиз умидворлик деб, исталган нарсани ҳақиқий нарса қилиб кўрсатишга уриниш деб тушунаётган бўлса, улар ноҳақдирлар деб ўйлайман. Келинглар, мана шуларнинг ҳаммаси уч-тўрт йил муқаддам қай аҳволда эканини эслаб кўрайлик ва ҳозир қандай қиёфага келганига назар ташлайлик. Вазият мутлақо ўзгарган. Мана шу можароларнинг ҳаммасини сиёсий воситалар билан ҳал этиш имкониятлари очилди. Мазкур регионлар доирасида ва умуман дунёда жуда катта кучлар ҳаракатга келтирилди. Мен Президент билан суҳбатларда ҳам, барча америкалик вакиллар билан суҳбатларда ҳам биз имкониятни қўлдан бермаслигимиз, эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак, деган асосий фикрни доимо таъкидлаб келяпман.

Афғонистонга оид битимлар имзоланиши билан ўз аҳамияти жиҳатидан мазкур муаммо доираси билангина чекланмайдиган намуна вужудга келаётганини Президентга тўғридан-тўғри айтдим. Чунки бу — Совет Иттифоқи ва АҚШ можаронинг конкрет қатнашчилари билан бир қаторда масалани сиёсий воситалар билан ҳал этиш йўлини очадиган битимни имзолаган биринчи ҳолатдир. Биз битимларга содиқ бўлиб қолишга интиламиз, бунинг учун ҳамма ишни қиламиз. Битимларнинг бошқа ҳамма қатнашчиларидан, шу жумладан Америка Қўшма Штатларидан ҳам шундай қилишларини кутамиз. Ўйлайманки, башарти бу гал ишимиз ўнгидан келмаса, шу ижобий намуна қарор топмаса, бу нарса олисга борувчи оқибатларни келтириб чиқаради ва бошқа регионлардаги мана шундай муаммоларга ёндашувларга таъсир қилади.

(Давоми учинчи бетда).

## ҚАРДОШ ТУРКМАНИСТОН ДИЁРИДА

ТОШОВУЗ, Туркманистон ССР, (ЎзТАГ). Ўзбекистон ССР делегацияси қардош Туркманистоннинг Тошовуз области хўжаликларида бўлди. Делегация составида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. С. Саликов, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг Раиси Т. А. Ешимбетова, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мирқосимов, Хоразм область ижроия комитетининг раиси Р. М. Худойбергановалар бор.

Туркманистон диёридаги учрашувларда ошкоралик ва демократияни ривожлантириш, қайта қуришда халқ оммасининг кенг иштироки Ленин партияси ўртага қўйган новаторона вазифаларни ҳал этишга, хўжалик фаолиятидаги камчиликларни ўз вақтида бартараф қилишга, иқтисодий ва социал соҳадаги барча ишларни такомиллаштиришда қандай ёрдам бераётганлиги ҳақида манфаатдорлик билан амалий фикрлашиб олинди. Бунда қардош республикалар ўртасидаги алоқаларни кенгайтиришга, илғор тажрибаларни ўртоқлашишга муҳим аҳамият берилди.

КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Тезислари бу ишга янги омил бахш этди. Ана шу муҳим сиёсий ва ғоявий-назарий ҳужжатнинг юксак моҳиятини ҳар бир совет кишисига етказиш, партия ва мамлакат ҳаётидаги шонли воқеани муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани янада кенгроқ авж олдириш партия ташкилотларининг шон-шараф иши эканлиги таъкидланди.

Тошовуз областининг Тахта районидаги Куйбишев номли колхозда — қўшни республиканинг энг катта пахтакор хўжаликларидан бирида делегация аъзолари дала ишларининг бориши билан танишдилар, хўжалик пахтакорлари, чорвадорлари, соҳибкорлари билан учрашдилар.

Амударё қуйи оқимидаги учта катта колхоз меҳнат рақобати тўғрисида ўзаро шартнома тузганларига бир неча йил бўлди. Ана шу колхозларнинг раҳбарлари: Туркманистон ССР 40 йиллиги номли колхоз раиси С. Рўзметов, Хоразм областидаги Нариманов номли колхоз раиси А. Искандаров, Хўжайли районидаги Ленин номли колхоз раиси Р. Ҳасанов қишлоқ меҳнатчилари XIX Бутуниттифоқ партия конференциясини кутиб олишга қандай тайёргарлик кўраётганликлари, беш йилликнинг учинчи йили учун қабул қилинган социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётгани ҳақида ахборот бердилар. Тўпланган иш тажрибасини, пахтачилик ва чорвачиликда оила, коллектив, бригада пудратини жорий этиш тажрибаларини ўртоқлашиш, меҳнатни ташкил этишнинг бошқа илғор формаларини ўрганиш мусобақа қатнашчиларига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда барқарор муваффақиятларга эришиш имконини бераётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Социал соҳани ривожлантириш — уй-жой, мактаблар, мактабгача тарбия болалар муассасалари ва бошқа маданий-маиший объектларни қуриш ҳозир муҳим вазифа эканлиги уқтириб ўтилди. Дала ва ферма меҳнатчилари қишлоқ ҳаётининг ҳамма соҳаларини қайта қуриш йўлини қизғин маъқулламоқдалар.

Делегация аъзолари Туркманистон ССР 40 йиллиги номли колхоз чорвадорлари иши билан қизиқиб танишдилар. Бу ерда Литванинг қора-ола зотли сигирларни кўпайтириш учун наслчилик фермаси ташкил қилинган. Юксак рентабелли хўжалик ўтган йилнинг ўзидагина планга қўшимча 68 минг сўм фойда олди. Фермада молларни боқиш, ем-хашак тайёрлаш, соғиш, чорвачилик биноларини тозалаш жараёнларининг ҳаммаси механизациялаштирилган. «Тўла хўжалик ҳисобига ўтганимиздан кейин ишлар юришиб кетди, — деб ҳикоя қилди ферма бош зоотехниги А. В. Тю меҳмонларга. — Ҳозир фермада 1600 бошдан кўпроқ қорамол ва 9 минг бошдан зиёд қўй-эчки бор. Ўз паррандачилик фермамиз ҳам мавжуд. Гўшт, сут, тухум етиштириш планлари ҳар йили ошириб бажарилмоқда. Илғор сут соғувчи — Туркманистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Жумабека Абдураҳманова йилига ҳар бир сигирдан 3600 килограмм сут соғиб олмоқда».

Ўзбекистон ССР делегацияси колхоз санъат саройини очиш маросимида қатнашди. Бу замонавий маданият масканида 1200 ўринли томоша зали, видеотека, кутубхона, тантанали маросимлар ўтказиладиган зал бор. Санъат саройи ичини безашда Хиванинг энг яхши ёғоч ва ганч ўймакорлари иштирок этдилар.

Кечқурун колхоз майдонида интернационал дўстлик митинги ўтказилди. Митинг Туркманистон ва Ўзбекистон санъат усталари ҳамда бадиий ҳаваскорлик коллективлари қатнашчиларининг концерти билан якунланди.

Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. А. Ниёзов, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Х. Дурдиев, Тошовуз область партия комитетининг биринчи секретари О. Хожаков, Тошовуз область ижроия комитетининг раиси В. В. Рашидов Ўзбекистон делегациясининг сафарида ҳамроҳлик қилдилар.

## БАЙРАМ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАБРИК

СССР Олий Совети Президиуми Италия Республикасининг президенти Ф. Коссиго номига миллий байрам — Республика куни муносабати билан табрик телеграммаси йўллади.

Фурсатдан фойдаланиб ҳамма соҳаларда: сиёсий, савдо-иқтисодий ва илмий, гуманитар ва маданий алоқалар соҳаларида Италия билан мулоқотни ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга Совет Иттифоқи катта аҳамият бераётганлигини яна бир бор тасдиқлаймиз, дейилади телеграммада. Европада кескинликни камайтириш ва ишончни мустаҳкамлаш, Умумевропа жараёни самарали олға силжиши, дунёдаги умумий вазиятни яхшилаш учун ҳозир икки томонлама ва коллектив куч-ғайратлар айниқса, зарур.

(ТАСС)

